



O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi  
IMOM BUXORIY XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

# IMOM BUXORIY SABOQLARI

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*



25  
2000-2025 YOSHDA  
JURNAL

2025/3



[www.bukhari.uz](http://www.bukhari.uz)

№3  
2025

# IMOM BUXORIY SABOQLARI

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal



Anjuman doirasida Markaz bilan Livandagi Tripoli universiteti o'rtasida o'zaro hamkorlikka oid memorandumoldi kelishuv imzolandi



Batafsil [BUKHARI.UZ](http://BUKHARI.UZ) saytida

## TAHRIR HAY'ATI

- Akmal SAIDOV – yuridik fanlari doktori, akademik
  - Shayx Nuriddin XOLIQAQAZAR – O'zbekiston musulmonlari idorasi raisi, muftiy
  - Firdavs ABDUXOLIQOV – Islom sivilizatsiyasi markazi direktori, san'atshunoslik fanlari doktori
  - Davronbek MAXSUDOV – tarix fanlari doktori, professor
  - Ahadjon HASANOV – tarix fanlari doktori, professor
  - Bahrom ABDUHALIMOV – tarix fanlari doktori, professor
  - Baxtiyor TURAYEV – falsafa fanlari doktori, professor
  - Baxtiyor KARIMOV – falsafa fanlari doktori, professor
  - Ilhom SAIDOV – tarix fanlari doktori, professor
  - Zohidjon ISLOMOV – filologiya fanlari doktori, professor
  - Zohidullo MINAVVAROV – siyosiy fanlar doktori, professor
  - Jamoliddin KARIMOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
  - Nodirjon ABDULAHATOV – tarix fanlari doktori
  - O'ktambek SULTONOV – tarix fanlari doktori
  - Baxtiyor ERGASHEV – tarix fanlari doktori
  - Amriddin BERDIMURODOV – tarix fanlari nomzodi
  - Mahmud NASRULLAYEV – tarix fanlari nomzodi, dotsent
  - Sarvar ABDULLAYEV – falsafa fanlari nomzodi, dotsent
  - Shahzod ISLOMOV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori
  - Otabek MUHAMMADIYEV – tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori, katta ilmiy xodim
- 
- Ashirbek MO'MINOV – tarix fanlari doktori, professor (L.N. Gumilev nomidagi Yevroosiyo milliy universiteti)
  - Devin DeWeese – Indiana universiteti professori, yozuvchi (AQSH)
  - So'nmez KUTLU – Anqara universiteti professori, ilohiyotchi (Turkiya)
  - Ingeborg BALDAUF – Humboldt nomidagi Berlin universiteti professori (Germaniya)

IBXITM Ilmiy kengashining 2025-yil 7-oktabrdagi 2-sonli yig'ilish qarori bilan nashrga tavsiya qilindi.



## MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi  
**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

Bosh muharrir:  
**Shovosil ZIYODOV**

Muharrir o'rinbosarlari:  
**Otabek MUHAMMADIYEV,  
Sanjarbek DJUMANOV**

Musahhihlar:  
**Anvar BOBOYEV**

Sahifalovchi-dizayner:  
**Muhammadiqbol SHUKUROV**

**Azim ZOYIROV,  
Rustam MAHMUDOV**  
olgan suratlardan foydalanildi.

*Jurnal O'zbekiston  
Respublikasi Vazirlar  
Mahkamasi huzuridagi  
Oliy attestatsiya  
komissiyasining ilmiy  
jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

**MAQOLADA KELITIRILGAN  
MA'LUMOTLAR UCHUN  
MUALLIF MAS'UL.**

Шовосил ЗИЁДОВ. Имом Бухорий инновацион музееи.....2

#### БАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Sanjarbek DAVLETOV, Alisher MATYAKUBOV. XX asrning 60-80-yillarida Xorazm viloyatida xalq xo'jaligini rivojlantirish muammolari.....7

Бобир ГОЙИБОВ. “Сугд” топоними ёки этноним?.....9

Обиджон ЖАЙНАРОВ. Ўзбекистон ССР адвокатурасида ўтказилган “тозалаш” ва унинг оқибатлари.....13

Latofat XOLNAZAROVA. Qo'qon xonligida kitob kolleksiyalari va ularning o'zlashtirilishi (XVIII-XIX asr).....16

Санжарбек ДЖУМАНОВ. Янги Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ривожланиши (Самарқанд вилояти мисолида).....19

Umirillo ORTIQOV. Rossiya imperiyasi tomonidan ko'chirib keltirilgan aholining qishloq xo'jaligi sohasiga ta'siri.....21

Gulmamat AXMEDOV. XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Turkiston o'lkasidagi ijtimoiy-siyosiy vaziyat va jadidchilik harakatining yuzaga kelishi.....25

Azizbek UNGALOV. Somoniylar va Qoraxoniylar davrida mahalliy ijtimoiy shartnomalar, musulmon huquqining mintaqaviylashuvi va sinkretlashuv jarayonlari (X–XII asrlar).....29

Асадулло ХАСАНОВ. Туркистондаги илк сиёсий уюшма – “Шўрои Исло” жамияти тарихига назар.....34

Aziza SHOTEMIROVA. Markazlashgan boshqaruv tizimining XX asrning ikkinchi yarmida Samarqand viloyati sanoat rivojiga ta'siri.....38

#### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Отабек МУХАММАДИЕВ. Имом Бухорийнинг “Китобул куна” асари ислом тарихига оид муҳим манба.....41

Меҳрождин АМОНОВ. Зарафшон воҳаси тасаввуф тарихига оид эпиграфик ёдгорликлар.....42

Муслим АТАЕВ. Ҳадиспунослик – Уструшанада етакчи йўналишлардан бири.....44

Абдулатиф АЛЛАҚУЛОВ. Мотуридийликда “таквин” сифати таҳлили.....49

Мухаммадзариф ДАДАМИРЗАЕВ. Саййид Иноятуллоҳ-хўжа Лангарий ҳаёти ва илмий фаолияти.....52

Элёрбек АНВАРОВ. Мухаммад Обид Синдийнинг “Ал-Мавоҳибул латифа” асарида ҳадисларни шарҳлашдаги методи.....54

Sitorabonu SALIMOVA. Alloma yetishtirgan ustozlar: Mahmud Zamaxshariy faoliyatida ustozlarining o'rni.....57

#### НОДИР МАНБАЛАР

Нодиржон АБДУЛАХАТОВ. Жўрабек қабристонидаги битиклар.....60

Sarvar NISHONOV. Husayn Voiz Koshifiy asarlarida shaxs erkinligi va mas'uliyatining diniy-axloqiy asoslari.....61

Suhrob ERGASHEV. O'zbekiston maorifiga doir arxiv manbalar tahlili (XX asr boshlari).....65

Ирода ДАУРБЕКОВА, Уктамали РАВШАНОВ. Чилькалит – важный ритуальный источник.....68

Dilorom MO'MINJONOVA. Abul Maoliy Ubaydullohning “Bayan ul-adyan” asarida dunyo dinlari tahlili.....70

#### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Отабек МАХМУДОВ. Қуръони каримнинг илк латинча таржималари ва уларда ўрта аср мафкуравий қурашларининг инъикоси (“Corpus Islamolatinum” қўлёзмалари асосида).....74

Шоира ЖУМАЕВА. Замонавий дунёда зиёрат анъаналари (Занги ота зиёратгоҳи мисолида).....77

Жонибек ЖУМАЕВ. Ўзбекистоннинг зиёрат туризми соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқалари (Туркия Республикаси билан ҳамкорлик мисолида).....80

Баёзхон МАХМУДОВ. Взаимодействие религиозных учреждений и государственных структур в сфере исламского образования в независимом Узбекистане.....82

Muxriddin JO'RAYEV. Hadis an'alarida ayol muhaddislarning ilmiy safarlari: tarixiy va madaniy tahlil.....86

Мавлидин ГАДЖИЕВ. Наука “Хиляф” и ее основные аспекты.....89

Гавҳар ИСТАМОВА. Сўфия Робиаи Адавия ҳақида.....92

#### ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Фарҳод НАБИЕВ, Гулмира ХАЛИМОВА. Миллий маданиятни юксалтиришда жадидлар маънавий-маърифий меросининг ўрни.....96

Ramz RUSTAMOV. Zamonaviy targ'ibotning kishilar turmushi va o'zaro munosabatlariga ta'siri.....99

Anvar AXMEDOV, Muhammadibol SHUKUROV. Imom Buxoriy hadislarida shaxs psixologik barqarorligi.....102

Fazliddin QODIROV. Shaxs fuqarolik madaniyatini shakllantiruvchi subyektiv omillar.....105

Абдуҳаким АРИПОВ. Икки тилли лугатлар тузилишида далилий мисоллардан фойдаланиш масаласи.....109

Abdulhamid ZAYRIYEV. Leksikografiya – lug'at tuzish ilmi va uning tarixiy rivoji.....113

#### ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Санжарбек ЧОРИЕВ, Зоҳид БОЙМУРОДОВ. Миллий турмуш тарзи: таркиб ва характери.....118

Erkin MUSURMANOV, Hakim JURAYEV. O'zbek va Xitoy folklori epik qahramonlarining qiyosiy tahlili.....120

Гулшода БЕКМУРОДОВА. Маънавий деструкция – замонавий жамиятдаги жараёнларнинг муҳим тенденцияси.....123

Бахтиёр ТУРСУНОВ. Сабр-қаноат – бунёдкорлик омили сифатида (фалсафий таҳлил).....126

Рустам ЮЛДАШЕВ. Фалсафий тарбия ва ижтимоий вақт ўртасидаги алоқадорликни билишнинг илмий-амалий ечимлари.....129

Рустам БОЙМАТОВ. Сиёсий эътиқод мустаҳкамлиги шахс сиёсий ижтимоийлашувининг муҳим омили.....132

#### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Бобомурод РУСТАМОВ. Янги Ўзбекистонда диний таълимдаги ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари.....136

Nazar HAKIMOV, Ortiqbek YUSUPOV. Yangi O'zbekistonda nodavlat ta'limning fuqarolik jamiyatini rivojlantirishdagi o'rni.....139

#### МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Zuxra BOZORBOYEVA. Xavfsizlik va tinchlik uchun kurash – har birimizning ustuvor vazifamiz.....142

Нурсент ОМАРОВ. Хусомиддин Сигнокийнинг “Ат-Тасдид” асарининг ақидавий муҳокамаси: Ҳизбут-таҳрир голярига раддия.....145

Avazbek INOMOV. Ichki Ishlar Organlari xodimlarining ma'naviyatini kitobxonlik orqali yuksaltirish mafkuraviy xurujlarga qarshi kurashish vositasi sifatida.....147



7. Fabulae Sarracenorum (Prologus). – MS. 1162: fol. 5r. || Bibliothèque de l'Arsenal, Paris, France.
8. Lex Mahumet pseudoprophete. – MS. 1162: fols. 26r – 138v. || Bibliothèque de l'Arsenal, Paris, France.
9. Lex Mahumet pseudoprophete. – MS. 313. 3: fols. 29 – 159v. || Merton College, Oxford, UK.
10. Liber Alchorani Machameti quem Marcus canonicus Toletanus de Arabica lingua transtulit in Latinam. – F.V. 35. || La Biblioteca Nazionale Universitaria di Torino, Torino, Italia.
11. Liber Alchorani Machameti quem Marcus canonicus Toletanus de Arabica lingua transtulit in Latinam. – L.I. sup., fol. 4v. || Biblioteca Ambrosiana, Milano, Italia.
12. Liber de generatione Mahumet et nutritura eius. – MS. 1162: fols. 11r – 18r. || Bibliothèque de l'Arsenal, Paris, France.
13. Liber scalae Machometi. – Lat. 6064. || Bibliothèque nationale de France, Paris, France.
14. Liber scalae Machometi. – Lat. 7072. || Biblioteca Apostolica Vaticana, Civitas Vaticana.
15. Livre de l'eschiele Mahomet. – Laud Misc. 537. || Bodleian Library, Oxford, UK.
16. Prephacio. – MS. 1162: fol. 25v. || Bibliothèque de l'Arsenal, Paris, France.
17. Summa totius haeresis ac diabolice secte Sarracenorum. – MS. 1162: fols. 1r – 3v. || Bibliothèque de l'Arsenal, Paris, France.

**Илмий тадқиқотлар:**

18. Burman T.E. Tafsiṛ and translation : traditional arabic Qurʾān exegesis and the latin Qurʾāns of Robert of Ketton and Mark of Toledo. // Speculum: a journal of medieval studies. – Vol. 73, Issue 3. 1998.
19. Cahn W. The “portrait” of Muhammad in the Toledan Collection. // Reading medieval images. The art historian and the object. – Chicago: University of Michigan press, 2002.
20. D'Alverny M-T. Deux traductions latines du Coran au Moyen-Âge. // Archives d'histoire doctrinale et littéraire du Moyen-Âge. 1948.
21. D'Alverny M-T. Pierre le Vénérable et la légende de Mahomet. // Fêtes et Cérémonies liturgiques en l'honneur des saints Abbés Odon et Odilon. Congrès scientifique de juillet 1949. – Dijon: Société des Amis de Cluny, 1950.
22. González Muñoz. F. Corrections to Robert of Ketton's translation of the Qur'an in MS Paris Bibliothèque de l'Arsenal 1162. // The Latin Qur'an, 1143 – 1500: Translation, Transition, Interpretation. – Berlin: De Gruyter, 2021.
23. Hanne O. Le mariage coranique vu à travers l'Alcoran de Robert de Ketton. // Les Stratégies matrimoniales (IXe – XIIIe siècle). – Turnhout: Brepols, 2013.
24. Hanne O. Translating from Arabic to Latin in the Twelfth Century: The Examples of Two Englishmen, Robert of Ketton and Adelard of Bath. // The Latin Qur'an, 1143-1500: Translation, Transition, Interpretation. – Berlin: De Gruyter, 2021.
25. Lappin A.J. On the genesis and formation of the Corpus Cluniacense. // The Latin Qur'an, 1143-1500: Translation, Transition, Interpretation. – Berlin: De Gruyter, 2021.
26. Martínez Gázquez J. Glossae ad Alchoran Latinum Roberti Ketenensis translatoris, fortasse a Petro Pictauiense redactae: An Edition of the Glosses to the Latin Qur'an in BNF MS Arsenal 1162. // Medieval encounters. – Vol. 21. 2015.
27. The Latin Qur'an, 1143-1500: Translation, Transition, Interpretation. / Edited by C.F.Hernandez, J.Tolan. – Berlin: De Gruyter, 2021. – 490 p.

**Шоира ЖУМАЕВА**

ЧДПУ Гуманитар фанлар факультети, тарих кафедраси доценти (PhD)

**ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ЗИЁРАТ АНЪАНАЛАРИ (ЗАНГИ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ МИСОЛИДА)**

Мазкур мақолада Тошкент воҳасидаги машҳур зиёратгоҳлардан бири Занги ота зиёратгоҳи ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, ҳозирги кунда зиёрат аъёндалари қайта тикланишининг асосий сабаблари ва Занги ота зиёратгоҳининг ўзига хослиги ҳақида сўз юритилган. **Таянч сўзлар:** муқаддас жойлар, зиёрат аъёндалари, маҳаллий хусусиятлари, Занги ота, зиёрат урф-одатлари, мақбара, қадамжो.

*This article provides information about one of the most well-known shrines of the Tashkent oasis – the Zangiata mausoleum. It also discusses the main reasons behind the revival of pilgrimage traditions today and the unique features of the Zangi ata shrine. **Keywords:** sacred sites, pilgrimage traditions, local features, individuality, Zangi Ata, pilgrimage customs, mausoleum, pilgrim.*

В данной статье представлена информация об одном из известных святынь Ташкентского оазиса – мавзолее Занги ата. Также рассматриваются основные причины возрождения традиций паломничества в наше время и особенности самого святилища Занги ата. **Ключевые слова:** священные места, традиции паломничества, локальные особенности, индивидуальность, Занги Ата, обычаи паломничества, мавзолей, паломник.

**Кириш.** Зиёрат – дунё халқларининг қадимий маънавий-диний қадриятларидан биридир. Ислом динида муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари ҳамда Каъбани зиёрат қилиш – Ҳаж мавжуд беш фарздан бири ҳисобланади. Соғлиги ва иқтисодий имконияти етарли бўлган ҳар бир мусулмон учун Ҳаж қилиш фарз ҳисобланади. Марказий Осиёнинг географик жойлашуви сабабли Ҳаж амалини бажариш мапаққатли ҳисобланган. Шу сабабли Марказий Осиё халқларида маҳаллий муқаддас

қадамжо ва мазорларни зиёрат қилиш Ҳаж зиёрати билан тенглаштирилган қарашлар вужудга келган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Марказий Осиёда бундай таърифга эга зиёратгоҳлар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг кўпчилиги тарихи афсона, ривоятларга кўра, ўз насл-насабини Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ёки унинг шаҳид издошлари билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Жумладан, Қирғизистонда қорахонийлар даврига оид мақбара мажмуаси айниқса машҳур, шунингдек, Сафед-Булон мазори, Тахти-Сулаймон



тоғи ва бошқалар, Ўзбекистонда Шоҳи-Зинда ёдгорлик мажмуаси, Хўжа Дониёр мажмуаси ва бошқалар. Халқона қарашларга қўра, бу афсонавий муқаддас жойларга зиёрат Маккага Ҳаж билан тенглаштирилади [2:136-139].

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** XIX аср сайёҳлари ва тадқиқотчилари томонидан Марказий Осиё мусулмонлари орасида кенг тарқалган “фақат Туркистонда Ҳазрати авлиё мазорига бориб, Самарқандни зиёрат қилиб ва сўнгра Сулаймон-тоққа кўтарилибгина Маккада Катбага сажда қилишдек савобга эга бўлиш мумкин” деган қараш мавжудлигини бир неча бор қайд этилган.

Ушбу объектлар тарихи ва зиёрат маросимлари фольклор ривоятлари билан асосланган. Анъанага қўра, ривоятлар муқаддас мазорларни илк ислом давридаги машҳур шахслар номи билан боғлаган. Жумладан, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиси Муҳаммад Қусам ибн Аббос Шоҳи Зиндада дафн этилгани тўғрисида қарашлар машҳур.

Ана шундай машҳур зиёратгоҳлардан бири Занги ота зиёратгоҳи бўлиб, Занги ота Ҳимматий ва унинг ҳаёт фаолияти, мазкур зиёратгоҳнинг қурилиши билан боғлиқ тарихий маълумотлар жуда ҳам кам, асосан халқона қарашлар ва ривоятлар бугунги кунга қадар сақланиб қолган.

Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тўғрисида маълумот берувчи муҳим ёзма манбалардан бири Муҳаммад Солиххўжа Топшандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари ҳисобланади. Топшент шаҳри ва вилоятининг XIX асрга оид тарихи ҳамда географияси тўғрисида маълумот берувчи мазкур асарда зиёратгоҳлар тўғрисидаги маълумотлар Топшент даҳалари кесимида берилган бўлиб, муайян тартибда ҳамда тўлиқ келтирилган. Муаллифнинг ёзишча, Топшентнинг тўрт даҳаси номлари шу ерда дафн қилинган авлиёлар – Қафқол Шоппий, Шайх Зайниддин, Шайх Хованди Тоҳур ва Зангиота номлари билан аталган. Шунингдек, мазкур асарда Қафқол Шоппий, Шайх Муҳаммад парранда, Хожа Довуд, Шайх Хованди Тоҳур, Бобои Обрез, Ҳазрат Уккоша, Хожа Якка, Занги Ота, Шайх Зайниддин, Хожа Чирогбардор, Саид Работакхожа ва Хожа Аламбардор каби бир қатор шахсларга тегишли мазорларнинг шаҳарда жойлашган ўрни, уларга туташ бинолар ва ўртасидаги масофа ҳамда ўша даврдаги ҳолати тўғрисида маълумотлар мавжуд [4:94].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон бўйлаб саёҳат қилган америкалик дипломат Южин Скайлернинг “Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари” асарида Топшент тарихи, шаҳарнинг Россия империяси истилосидан сўнг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, аҳолининг турмуш тарзи, мусулмонлар ҳаёти, таълим тизими, бозорлари ва савдо муносабатлари билан бир қаторда Зангиота зиёратгоҳида йилда бир марта ўтказилган халқ сайли тасвирланган. Муаллиф Занги отани Топшент ва унинг атрофидаги бутун мамлакатнинг муқаддас волиёси бўлиб, 1097 йилда вафот этганини қайд этган. Шунингдек, Ю.Скайлернинг эътиборини Зангиота мақбарасининг хароба ҳолати, зиёратгоҳдаги уюм бўлиб ётган қўчқор шохлари ҳамда зиёратчилар томонидан қуриб қолган тут дарахтига ният билан боғланаётган латта парчалари тортади [3:148].

Занги ота зиёратгоҳи билан боғлиқ муҳим маълумотлар П.Маевнинг Топшент тарихига оид тадқиқотларида багишланган “Азиатский Ташкент” асарида қайд этилган. Муаллиф ўз кузатишлари ва маҳаллий аҳоли томонидан берилган маълумотлар асосида ушбу зиёратгоҳнинг бунёд

этилиш тарихига оид Амир Темур билан боғлиқ ривоятлар, зиёратгоҳнинг меъморий тузилиши, мақбараларнинг ҳолати, маҳаллий аҳолининг зиёрат билан боғлиқ урф-одатлари ҳамда ҳар йили куз ойларида зиёратгоҳда ўтказиладиган халқ сайли тўғрисида маълумот берган. П.Маев Зангиота зиёратгоҳидаги сайлларни рус халқининг “қабристон байрами” билан қиёслаган. Шу билан бирга, ушбу сайл йилда бир маротаба ўтказилиб, “Арсоль (Янги йил)” деб номланганини қайд этган [1:266-269].

**Тадқиқот методология.** Мазкур мақолани тайёрлашда тарихий тадқиқот усуллари ва даврлаштириш, синхрон ва киёсий-тарихий методларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Топшент вилоятидаги авлиёларга атаб қурилган машҳур меъморий мажмуалардан бири Зангиота зиёратгоҳи бўлиб, анъанавий тарзда бундай мажмуалар асосан ҳовуз, авлиё мақбараси, чиллаҳона, маросимлар ўтказишга мўлжалланган зал, масжид, шайх оиласи билан яшаши учун хоналар, Қуръони карим қироатхоналари, муридлар ва ғариблар учун хужралардан иборат бўлган. Топшент вилоятида мусулмон меъморчилигининг ёрқин намуналаридан бири бўлган мазкур зиёратгоҳ эски Самарқанд йўли бўйлаб, Топшентдан 16 км. узоқликда, мазкур мазор номи билан аталувчи Зангиота шаҳарчасида жойлашган [5:16].

Зангиота зиёратгоҳининг бунёд этилиш тарихи Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Тарихдан маълумки, Топшент воҳаси қадимдан иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим марказ вазифасини бажариб келган. Жумладан, Амир Темур даврида ҳам Топшент мустаҳкам қўрғон бўлиб, Соҳибқироннинг юришлари давомида харбий қўшиннинг тўпланиш манзили ҳисобланган. Сарқарда 1361, 1363 ва 1367 йилларда Топшентда бўлган. 1391 йилда қипчоқларга қарши юриш даврида Амир Темур касаллиги сабаб, Топшентда даволанишга мажбур бўлган. 1396 йилда эса Топшент орқали Чинозга борган. Тарихий манбаларда 1397 йилда Туркистонга Амир Темурнинг ташрифи Хожа Аҳмад Яссавийга атаб мақбара бунёд этилиши билан боғлиқ ҳолда талқин этилади [5:16].

Топшентдаги Зангиота зиёратгоҳининг қурилиш тарихи ҳам Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси номи билан боғланади. Амир Темур томонидан Зангиота мақбараси қурилиши билан боғлиқ қатор тахминлар мавжуд.

Биринчи фаразга қўра, Амир Темур Топшентда бўлган вақти касал бўлиб, тузалгач, авлиёга миннатдорчилик сифатида мақбара бунёд эттирган.

Иккинчи фаразга қўра, Шошда йирик диний марказнинг мавжуд эмаслиги сабабли, мақбарани бунёд этиш учун фармон берган. Мўтуллар истилосидан сўнг ярим аср давомида бу ерда масжид ёки мақбара қурилмагани сабабли ушбу иншоотни қурдирган.

Учинчи фаразга қўра, Амир Темурнинг пирларга нисбатан чексиз ҳурмати сабаб бўлган. Соҳибқирон авлиёларни Аллоҳнинг дўсти, валий сифатида улутлаб, уларга эҳтиром кўрсатган, шунингдек, туркийлар одати – машҳур уламолар қабрига зиёратга бориш ҳамда зиёратгоҳларда халқ билан мулоқот қилиш анъанасига қатъий амалга қилган.

Мирзо Улутбек бобоси томонидан олиб борилган қурилиш ишларини давом эттириб, Зангиота мажмуасининг асосий кириш қисмига дарвоза, шунингдек, ҳалимхона ва зиёратчилар учун хужралар қуриш ишларини якунига етказган. XV асрнинг биринчи ярмида Шош (Топшент



воҳаси) Амир Темурнинг набираси Мирзо Улугбек хукмронлиги остидаги ҳудудлардан бири эди.

Мақбарадаги ёзувларда унинг қачон ва ким томонидан бунёд этилгани тўғрисида маълумот учрамайди. Бироқ, пештоқдаги ёзувда қайта таъмирланган сана 1305 ҳижрий, (1887/1888 милодий йил келтирилган). XIX аср тарихчиси Мухаммад Солиххўжа Топқандийнинг “Тарихи жадидаи Топқанд” асарида Зангиота зиёратгоҳи ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган: Зангиота мазори Самарқанд дарвозаси ташқарисида жойлашган бўлиб, мақбарадан шаҳаргача бир фарсах (6-8 км) йўлда узлуксиз бог, ҳовуз, чорбоғ ва дарактзор ҳамда бир қанча карвонсарой ва дўконлар барпо қилинган. Муаллифнинг таъкидлашича, Зангиота мақбараси Амир Темур фармойишига кўра, бунёд этилган. Муаллиф томонидан зиёратгоҳнинг бунёд қилинган санаси аниқ қайд этилмаган. Мазорнинг уч томонидаги иморатни Нормухаммад қушбеги мадраса қилиб, ҳужралар солган бўлса, Қаноат оталиқ эса 1870 йилда айвонни олиб ташлаб, пишиқ гиштдан масжид қурдирган ва гумбазларни таъмирлатган [4:193].

Ҳазрат Занги ота тарихий шахсдир. Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг насаб ва тариқат шажарасига мансуб етук авлиё сифатида машҳур бўлиб, 1258 йилда вафот этганидан кейин ўзи яшаган Қовунчиға дафн этилади. Бу жой у зотнинг шарафига Занги ота номи олади. Оддийгина қабри табаррук зиёратгоҳга айланади.

Совет даврида юритилган атеистик сиёсат сабаб бу маскан ёпиб ташланади. 1943 йилга келиб, Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган оғир кунларда собиқ Иттифок раҳбарияти бир қанча сабабларга кўра мамлакатдаги бир қатор диний муассасалар фаолиятига рухсат беришга мажбур бўлади. Шу жумладан бу даврда Ўзбекистонда ҳам санокли масжид ва зиёратгоҳлар фаолиятига рухсат берилади. Улар қаторида Занги ота мажмуаси ҳам бор эди. Аммо 1945 йилга келиб, яна “Занги ота” батамом ёпилади ва дахрийлик музейига айлантирилади. Зиёратгоҳ амалда ёпиқ бўлса-да, зиёратчилар авлиё қабрини зиёрат қилишни давом эттиради. 1989-йилда мазкур атеизм музейи тугатилиб, мақбара ва масжид фаолияти қайта тикланади.

**Хулоса ва тақлифлар.** Мустақиллик шарофати билан зиёратгоҳ обод ва файзли масканга айланди. 2014-2015 йиллар мобайнида мажмуада улкан қурилиш – таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Занги ота зиёратгоҳи шарқона меъморий услубда таъмирланиб, зиёратчилар ва сайёҳлар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Ҳозирги кунда ҳам Занги ота зиёратгоҳи Марказий Осиё минтақаси халқлари учун гоятда муқаддас қадамжо ҳисобланади. Бу тарихий-меъморий мажмуани ҳар куни 5 минг нафар зиёратчи ва сайёҳ зиёрат қилгани бунни эъқол тасдиқлайди. Зиёратчиларнинг турли мамлакатдан экани ҳам эътиборга моликдир [7:295]. 2021 йил дала тадқиқоти маълумотларига кўра, мақбарага Ўзбекистон, Туркия ва бошқа туркий давлатлардан зиёратчилар келгани қузатилган<sup>8</sup>.

Занги ота комплекси бўйлаб саёҳат ташкил этувчи сайёҳлик фирмалар томонидан кўрсатилаётган зиёрат йўналишлари таҳлили шуни кўрсатдики, асосий йўналишга қуйидаги зиёрат объектилари киритилган<sup>9</sup>:

**1. Бадр ота мақбараси** – Занги ота тумани Эски тахта маҳалласидаги Жўн ариқ ўнг қирғоғида бўйида жойлашган қабри мустақиллик йилларида тикланиб, мақбара бунёд

этилган. Ниятларни амалга оширувчи, йўл очувчи жой сифатида улугланади. Бадр ота Занги отанинг 4-халифаси, Яссавия тариқатининг йирик намоёниси. Таваллуд санаси тахминан 1250-1255 йй.

**2. Абдуҷалилбоб** – Ҳазрат Занги ота мажмуасидан 4 км. масофада жойлашган бўлиб, масжид ва қабристон мавжуд. Абдуҷалилбоб XII асрларда бу ерга келиб, ислом динини тарғиб этган лашкарбoshiлардан бири бўлган. Хуросон ота деб ҳам аталади. 1980 йил қабр устида мақбара бунёд этилган. Йигитларда мардлик, ботирлик туйғуларини шакллантиришда Абдуҷалилбобнинг жангларидаги қахрамонликлари тўғрисидаги ривоят ва халқона қарашлардан кенг фойдаланилади. Асосан армия сафига қузатилаётган йигитлар сафар олдидан буюк лашкарбoshi қабрини зиёрат қилиш анъанаси бугунги кунга қадар сақланиб қолган.

**3. Сайид ота мақбараси** – мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қабр устига шарқона услубда мақбара бунёд этилган. Мақбара ёнида эски қабристон ва масжид бор. Шунингдек, Топқент шаҳри Қора-қамиш даҳаси ва Бухоро вилоятида ҳам Сайид ота номи билан боглиқ мақбаралар мавжуд. У киши Занги отанинг муридларидан бири бўлиб, Дашти Қипчоқ ҳудудларига ислом динини тарғиб этган. Яссавия тариқатининг йирик намоёниси.

**4. Занги ота мақбараси** – Ўрта асрларга оид меъморий обиди. Занги ота авлод шажараси Арслонбоб ва ул зот орқали Мухаммад (с.а.в.)га бориб боғланади. 1258 йил вафот этган. Занги ота – Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг насаб ва тариқат шажарасига мансуб етук авлиё. Занги ота оддий ва камтарин инсон бўлиб, подачилик қилиб кун кечирган. Туркий халқларда чўпонларнинг пири, чорванинг кўрикчиси бўлган авлиё ҳисобланади. Анъанага кўра, аввало, Анбар она мақбараси, сўнгра Занги ота мақбараси зиёрат этилади.

**5. Анбар она мақбараси** – Анбар она ва қайнонаси Улугпошпанинг қабри мавжуд. Анбар она образи билан боглиқ қарашларда ушбу культ аёллар ҳимоячиси сифатида талқин этилади. Асосан, аёлларга тўлғоқ вақтида ёрдам берувчи Анбар онага ҳомий сифатида доя томонидан мурожаат қилинган: “Ё, Анбар она, не ерда бўлсанг, кел, кўкда бўлсанг, кел!”, “Кўлда бўлсанг, чўлда бўлсанг, Анбар она, Биби Фотима, қай ерда бўлсанг, кел” (Дала ёзувлари). Аёлларнинг илоҳий ҳомийси сифатида улугланиб, турмуш қура олмаган, бефарзанд аёллар зиёрат қилган. Ҳомилдор оналар туғруқ осон кечиши учун Анбар она мақбараси олдини сўпуриб кетган. Ўрта Осиё аёллари ҳомийси сифатида улугланиб келган [6:159-178].

Мақолада келтирилган тахлиллар шуни кўрсатадики, Топқент воҳасида машҳур бўлган Занги ота зиёратгоҳларидаги анъаналар вақт ва замон таъсири остида ўзгариб турган бўлса-да, асосий – авлиё ва валий инсонларга ҳурмат, уларни эъзозлаш каби қарашлар асрлар оша аждодлардан авлодларга мерос сифатида ўтиб келмоқда. Жумладан, совет давлати томонидан олиб борилган диний тақиқларга қарамасдан Занги ота ва Анбар онага бўлган ишонч ва ҳурмат йўқолмаган.

Анбар она билан боглиқ ширк амаллар – Анбар она қабри атрофини сўпуриш, қабрни ўпиш, чирок ёкиш ва қабр туғроғидан олиш каби амаллар бугунги кунда тақиқланган. Зиёратчилар асосан исломий амалларни бажариш – Қуръон оятларини ўқиш, дуо қилиш ва намоз ўқиш, қурбонлик (Аллоҳга атаб) ва эҳсон қилиш каби амалларни бажариши мумкин. Анбар она ва Занги ота мақбараларида имомлар

<sup>8</sup>Дала ёзувлари Топқент вилояти Занги ота тумани 2021 й.

<sup>9</sup>Дала ёзувлари Топқент вилояти Занги ота тумани 2025 й.



фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар Қуръони карим оятларини тиловат этиб, диний мавзуда маъруза қилиб беради. Бу эса, зиёратчилар диний дунёқарашининг янада кенгайишига, зиёрат давомида маънавий озуқа олишига ёрдам беради. Зиёратгоҳда ўрнатилган радиокарнайларда мунтазам диний маърузаларнинг берилиши зиёратчиларнинг диний билимларининг юксалишига хизмат қилади. Зеро, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар маънавий тарбия маскани ҳисобланиб, халқимизнинг буюк тарихи, улут зотлари тўғрисида маълумот бериш билан бир қаторда, зиёратчиларда поклик, ҳалоллик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва ўзаро ҳурмат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

– Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, асрлар давомида ўзбек халқининг ўзига хос зиёрат одоблари шаклланиб, Мазкур одоблардан энг муҳимлари – зиёратгоҳга покланган, таҳорат олган ҳолда тапширф буюриш, зиёратга мос кийим кийиш, зиёратгоҳда маҳзун бўлиш ва катталарга ҳурмат ҳисобланади. Олиб борилган дала тадқиқотлари давомида, айниқса, Занги ота зиёратгоҳида ёшлар томонидан зиёратга хос кийиниш ва зиёратгоҳда ўзини тутиш қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, зиёрат одоблари юзасидан тарғибот ишларини кучайтириш кераклигидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маев Н.А. Азиатский Ташкент. / Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. – СПб., 1908.
2. Павличенко З.Ю., Давыденко М.В. Паломничество и религиозный туризм в Центральной Азии как форма межцивилизационных контактов // Известия АлтГУ. Исторические науки и археология. – 2018. – №2 (100).
3. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари. / З.А. Саидбобоев таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
4. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари (XIX аср). – Т.: Ўзбекистон, 2007.
5. Смирнова Т. Архитектура мавзолеев Ташкента: Занги-Ата. – Л.8.
6. Сухарева О.А. О культе мусульманских святых в Средней Азии / Труды Института истории и археологии АН УзССР, в. 2-х томах. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1951.
7. Эратиев Б., Остонакулов И., Абдулахатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. 3-жилд. – Т., 2015.

**Жонибек ЖУМАЕВ**

Имом Бухорий илмий тадқиқот маркази  
Диний – маърифий тadbирлар бўлими бошлиғи,  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

#### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ (Туркия Республикаси билан ҳамкорлик мисолида)

2016 йилдан эътиборан барча мамлакатлар қатори Туркия Республикаси билан ҳам ҳамкорлик алоқалари янги босқичга қўтарилди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида зиёрат туризмининг ўрни муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, сўнгги йилларда Туркиядан мамлакатимизга зиёрат мақсадида тапширф буюрувчилар сони сезиларли даражада ошди. Мазкур мақола Ўзбекистон – Туркия ўртасида зиёрат туризмида амалга оширилган ҳамкорлик алоқалари ва уларнинг натижаларига бағишланган. **Таянч сўзлар:** буюк сиймолар, зиёрат туризми, туризм инфратузилмаси, муқаддас қадамжолар, виза тартибининг соддалаштирилиши.

Since 2016, cooperation with all countries, including the Republic of Turkey, has reached a new level. The role of pilgrimage tourism has become important in the cooperation between the two countries. Significant progress has been made in this regard. In particular, the number of people visiting our country from Turkey for pilgrimage has increased significantly in recent years. This article is devoted to the cooperation between Uzbekistan and Turkey in pilgrimage tourism and their results. **Keywords:** great figures, pilgrimage tourism, tourism infrastructure, holy places, visa simplification.

С 2016 года сотрудничество со всеми странами, в том числе и с Турецкой Республикой, вышло на новый уровень. В сотрудничестве двух стран важную роль играет паломнический туризм. В этом отношении достигнут значительный прогресс. В частности, за последние годы значительно возросло число паломников, приезжающих в нашу страну из Турции. Статья посвящена сотрудничеству Узбекистана и Турции в сфере паломнического туризма и его результатам. **Ключевые слова:** великие личности, паломнический туризм, туристическая инфраструктура, святые места, упрощение визового режима.

**Кириш.** Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлик алоқаларида зиёрат туризми муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, бу мамлакатдан юртимизга муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишни мақсад қилган сайёҳлар сони ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, икки мамлакат алоқаларининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар талайгина. Шу сабабдан, бу борада амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш долзарб илмий аҳамиятга эга

бўлиб, берилаётган тавсиялар соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон дунё миқёсида муқаддас қадамжоларга бой мамлакатлардан бири бўлиб, бу муқаддас замин ислом оламида донг таратган қўлаб буюк сиймолар абадий қўним топган юрт саналади. Ҳозирги кунда биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1105 та археологик, 670 та меъморий, 37 та диққатга сазовор жой, 18 та монументал, 21 мемориал тоифага кирувчи жами 1851 моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида зиёрат қилиниши мумкин бўлган жойлар талайгина [5].





Batafsil **BUKHARI.UZ** saytida

Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi, Neapol Sharqshunoslik universiteti va ERC-SYNERGY EuQu ("Yevropa Qur'oni") loyihasi hamkorligida **"Din va ko'ptillilik: Yevropa va Osiyo jamiyatlarida Qur'on va islomiy adabiyotlarning yoyilishi"** mavzusida xalqaro anjuman bo'lib o'tdi.

## 2025-YIL UCHUN JURNALIMIZGA OBUNA BO'LING!

**O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi  
huzuridagi Imom Buxoriy xalqaro  
ilmiy-tadqiqot markazi rekvizitlari:**  
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi  
**H/r:** 23402000300100001010  
**INN (STIR):** 201122919 **MFO:** 00014  
Markaziy bankning Toshkent shahar XXKM  
**SHHV:** 400110860182247015100253001  
**INN (STIR):** 207265166  
**Murojaat uchun telefon: (0366) 240 2019**



**Obuna  
indeksi -  
№ 946, 947  
Bir yillik  
obuna narxi -  
360 000  
so'm**



### MANZILIMIZ:

141306, Samarqand viloyati,  
Payariq tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.

E-mail: [buxoriysaboqlari@bukhari.uz](mailto:buxoriysaboqlari@bukhari.uz)  
Web-sahifa: [www.bukhari.uz](http://www.bukhari.uz)  
Telefonlar:  
(0366) 240-2019, (0366) 240-2011,  
(+99899) 735-02-85

Bosishga 15.10.2025 yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz bichimi - 60x84 1/8.  
Ofset bosma usulida bosildi.  
Bosma tabog'i - 10. Adadi - 150.  
Buyurtma № 15/10.  
Nashr indeksleri - № 946, № 947.  
ISSN 2181-4791

Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Administratsiyasi huzuridagi  
Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan  
№ 0057 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Bir yilda to'rt marta chop etiladi.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

*Tahrir hay'atining fikri muallif fikridan farq qilishi mumkin.*


Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter bo'limida  
tayyorlandi.

Jurnal «SHABNAM SUPER PRINT» MCHJ  
bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Samarqand shahri, Ziyokorlar ko'chasi, 1-uy.  
Tel.: (+99890) 104-13-33.

**DUNYODA ILMDAN BOSHQA NAJOT YO'Q  
VA HECH QACHON BO'LMAGAY.**

**Imom Buxoriy**



**Telegram: @bukhariuz | @buxoriysaboqlari**



**E-mail: [buxoriysaboqlari@bukhari.uz](mailto:buxoriysaboqlari@bukhari.uz)**